



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети


<b>1. Rakhbar E. Kholikova</b> THE NEW UZBEKISTAN IS A COUNTRY OF GREAT POTENTIAL (ON THE EXAMPLE OF WOMEN).....	4
<b>2. Нилуфар Джураева</b> СОВЕТ ДАВРИ ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАҚДИРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ.....	9
<b>3. S.I. Gabrielyan</b> ERONGA 1910-YIL INGLIZ-RUS QARZI UCHUN SIYOSIY KURASH.....	19
<b>4. Суннатилла Исмоилов</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НЕФТ ВА ГАЗ САНОАТИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ВА СОҶА НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ.....	29
<b>5. Qahramon Matxoliqov</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING YEVROPA DAVLATLARI BILAN MADANIY ALOQALARNING RIVOJLANISHIDA DAVLAT VA NODAVLAT TASHKILOTLARNING O‘RNI.....	37
<b>6. Азизбек Мўминов</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОТУРИЗМНИ ҲУДУДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	47
<b>7. Эркин Раджапов</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ (ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИ МИСОЛИДА).....	53
<b>8. Хайрулла Рахматов</b> БУХОРО АМИРЛИГИДА ЯШАГАН ЕТАКЧИ УРУҒ НОМЛАРИНИНГ ЭТНОНИМЛАРИ ХУСУСИДА.....	64
<b>9. Зилола Турабоева</b> СУРҲОН ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРИДА ХАЛҚАРО ҚЎШМА ЭКСПЕДИЦИЯЛАР АМАЛГА ОШИРГАН ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	71
<b>10. Шухрат Эргашев</b> ФРАНЦИЯДА 1848 ЙИЛГИ ИНҚИЛОБ АРАФАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ.....	82
<b>11. Ильяс Шакиров</b> ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА СИНГАПУР ҲАМКОРЛИГИ.....	90
<b>12. Иззат Юсупов</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	97



Эркин Ганиевич Раджапов  
Инновацион ривожланиш вазирлиги  
бош мутахассиси

**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ҚАТАҒОН СИЁСАТИНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ  
(ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ КАДРЛАР ЭЛИТАСИ МИСОЛИДА)**

**For citation:** Erkin G.Radjapov, THE SAD CONSEQUENCES OF THE REPRESSIVE POLICY OF THE SOVIET POWER (ON THE EXAMPLE OF THE ELITE OF THE UZBEK NATIONAL MILITARY PERSONNEL). Look to the past. 2022, vol. 5, issue 10, pp.53-63

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7329193>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада совет ҳокимияти қатағонлик сиёсатининг Ўзбекистон ССРнинг энг йирик ҳарбий қисми - 19-ўзбек тоғ отлик дивизиясининг ҳарбий кадрлари тақдирига салбий таъсири ва унинг аянчли оқибатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада мазкур 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси ҳарбий кадрлар корпусининг 1937-1938-йилларда қатағонга учраган ҳарбий мутахассислари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ҳарбий академия, Ҳарбий коллегия, қизил армия, отлик полк, отлик дивизия, НКВД, “Катта қирғин”, қатағон, ҳарбий кадрлар.

---

Эркин Ганиевич Раджапов  
главный специалист Министерство инновационного развития

**ПЕЧАЛЬНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ СОВЕТСКОЙ  
ВЛАСТИ ( НА ПРИМЕРЕ ЭЛИТЫ УЗБЕКСКИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ВОЕННЫХ  
КАДРОВ)**

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются негативное влияние репрессивной политики советского правительства на судьбу военнослужащих 19-й Узбекской горно-кавалерийской дивизии, являющейся крупнейшей воинской частью Узбекской ССР, и ее трагические последствия. В статье также приведены сведения о военнослужащих 19-й Узбекской горно-кавалерийской дивизии, репрессированных в 1937-1938 гг.

**Ключевые слова:** Военная академия, Военная коллегия, Красная армия, кавалерийский полк, кавалерийская дивизия, НКВД, “Большой террор”, репрессия, военнослужащие.

---

Erkin G. Radjapov  
Chief Specialist Ministry of Innovative Development

## THE SAD CONSEQUENCES OF THE REPRESSIVE POLICY OF THE SOVIET POWER (ON THE EXAMPLE OF THE ELITE OF THE UZBEK NATIONAL MILITARY PERSONNEL)

### ABSTRACT

The article analyzes the negative impact of the repressive policy of the Soviet government on the fate of the military personnel of the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division, which is the largest military unit of the Uzbek SSR, and its tragic consequences. The article also provides information about the servicemen of the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division, who were repressed in 1937-1938.

**Index Terms:** Military Academy, Military Collegium, red Army, cavalry regiment, cavalry division, NKVD, “Great Terror”, repression, military personnel.

### 1. Долзарблиги:

Мустақиллик йилларида мустабид совет тузумининг 1937-1938 йилларда олиб борган катағонлик сиёсати тўғрисида қатор илмий ва оммабоп нашрлар кенг жамоатчиликка тақдим этилган. Уларда совет ҳокимияти катағон сиёсатининг XX асрнинг 20-30 -йилларидаги биринчи тўлкини, 40-50-йиллардаги иккинчи тўлкини ва унинг давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт, санъат, фан, таълим намояндалари, шунингдек, аёллар тақдиридаги аянчли оқибатлари, 1983-1989 йилларда уюштирилган “пахта иши” деб аталган кампания ва сиёсий ўйинларнинг тадқиқ этилмаган жиҳатлари тадқиқ этилди. Бироқ, айнан ўзбек миллий ҳарбий кадрларига тақдирига совет ҳокимияти катағон сиёсатининг салбий таъсири ва аянчли оқибатлари кам тадқиқ этилган тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади.

### 2. Методлар:

Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, киёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида совет ҳокимияти катағон сиёсатининг ўзбек миллий ҳарбий кадрлар элитаси тақдирига салбий таъсири ва унинг аянчли оқибатлари ёритилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши мустабид совет тузumi даврида амалга оширилган катағон сиёсатини ўрганишга йўналтирилган илмий- тадқиқот ишлари кўламининг янада кенгайиши ҳамда халқ озодлиги учун ўз қурбон бўлган, номлари ва фаолияти ҳануз номаълум бўлиб келаётган юртдошларимизнинг номини тиклашда муҳим амалий қадам бўлди.

1937-1938-йилларда “сиёсий тозалаш” никоби остида амалга оширилган катағон сиёсати бошқа соҳа вакиллари қатори ҳарбий кадрларнинг ҳам тақдирида аянчли оқибатларга олиб келди. Хусусан, **Дадабоев Йўлдош** – 1901 йил Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олинишигача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлимининг катта инструктори бўлган. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 19 октябрда “миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида қамокқа” олинган.

Й.Дадабоевнинг ҳақидаги архив ҳужжатларида фақатгина битта тергов баённомаси сақланиб қолган. Баённома ёзув машинкасида ёзилган бўлиб, унга 1937 йилнинг 6 декабрь санаси қўйилган. Дадабоев Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими ходимлари – Каруцкий ва Глухов томонидан сўроқ қилинди [1]. 1950 йилларда Сталин катағон қурбони бўлган шахсларни оқлаш жараёнида минглаб “халқ душмани” сифатида қамокқа олинган инсонларнинг тергов ҳужжатлари қалбакиллаштирилганлиги, асосиз равишда отилганлиги маълум бўлди. Й.Дадабоевнинг тергов ҳужжатлари ҳам Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими ходимлари томонидан сохталаштирилган бўлса-да, сақланиб қолган ҳужжатлар ўша давр судлов жараёни тўғрисида, инсон шахсига бўлган ғайриинсоний муносабат ҳақида ҳаққоний маълумотлар беради.



Сўроқ жараёнида Ички Ишлар Халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими ходимлари Й.Дадабоев тилидан гўёки дивизиядаги “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”га 1936 йил августда Ю.Наримонов ва Б.Ҳамроқулов жалб қилгани тўғрисида кўрсатмалар тайёрланди. Сўроқ баённомасида шунингдек, Й.Дадабоев “Менимча, дивизияда “миллатчи аксилинқилобий ташкилот” 1932 йилдан мавжуд бўлган, сабаби 1932 йилда Ҳамроқулов мен билан суҳбат чоғида ташкилотга миллий кадрлар керакли тўғрисида гапириб ўтган эди. Шунингдек, суҳбатда Ҳамроқулов мени 1925-1927 йилларда Тошкент миллий ҳарбий мактабида бирга ўқиган вақтимиздан миллатчи сифатида билишини, миллатчилик руҳидаги гуруҳ ҳарбий мактабда ўқиётган вақтимизда ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтди” [2],-дея кўрсатма беради. Сўроқ баённомасида келтирилишича, 1932 йилда Б.Ҳамроқулов билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг Й.Дадабоев “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”да иштирок этишга рози бўлади. Аммо тез орада ҳарбий академия (қайси ва қаерда жойлашганлиги манбада келтирилмаган-Р.Э.)га ўқишга кетиши сабабли “миллатчи аксилинқилобий ташкилот” учун амалий жиҳатдан ҳеч нарса қилолмади. 1936 йил августда ҳарбий академидан ўқишни тугатиб 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси қайтгач, дастлаб Б.Ҳамроқулов, кейинроқ Ю.Наримонов томонидан аксилинқилобий фаолият юритиш учун дивизиядаги “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”га таклиф қилинади. Й.Дадабоев уларнинг таклифига розилик билдиргач, Б.Ҳамроқулов ва Ю.Наримоновлар унга ташкилотнинг вазифалари, совет ҳокимиятига қарши ташкил этилиши режалаштирилаётган қуролли кўзғолон режаси тўғрисида маълумот берадилар [3].

Сўроқ баённомасидан Й.Дадабоев “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”нинг энг кўзга кўринган аъзолари сифатида М.Шомирбоев, Д.Эгамбердиев, Х.Шукуров, М.Рисқулов, Ҳ.Исомиддинов, Ж.Шокировларни санаб ўтади.

ИИХК ходимларининг тузган сценарийлари бўйича Й.Дадабоевга нисбатан олиб борилган дастлабки тергов 1937 йил 31 декабрда яқунланди. 1938 йил 10 октябрь кунини Тошкент шаҳрида СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъатининг сайёр йиғилишида Й.Дадабоевнинг иши кўриб чиқилди. Суд йиғилишида Й.Дадабоев дастлабки тергов пайтида ёлғон кўрсатмалар берганлигини, ҳозир эса аввалги кўрсатмаларнинг барчасини рад этишини таъкидлаган. Суд мажлиси баённомасида келтирилишича, Й.Дадабоев ҳеч қачон совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб бормаганлигини, дивизияда совет ҳокимиятига қарши ташкилот мавжудлиги тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини, унинг тергов ишида бошқа шахслар томонидан берилган кўрсатмалар ўзига нисбатан бўхтон эканлигини айтиб ўтади. Суд мажлисида сўнгги сўз олган Й. Дадабоев “Мен ҳамиша партия ҳамда совет ҳокимиятига содиқ бўлганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоламан”,-дея таъкидлаб ўтади. Унинг суд мажлисидаги айтган сўнгги сўзларидан ҳам кўринадики, Й.Дадабоев айбсиз эканлигига, озодликка чиқишига суд ҳукми эълон қилингунга қадар қатъий ишонди. Аммо у ишонган, у садоқат билан хизмат этган совет ҳокимияти унинг ўзига ишонмади. Суд Й.Дадабоевни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топиб, олий жазо – отувга ҳукм қилди. Совет ҳокимияти учун одатий бўлиб қолган бу адолатсиз ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилди.

**Исомиддинов Ҳамид Ҳамидович** – 1902 йил Қозоғистон ССРнинг Туркистон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. 1925 йилдан коммунистик партия аъзоси. Қамоққа олингунга қадар 19-ўзбек тоғ-ўқчи дивизияси 41-отлик полки штабининг раҳбари бўлган [4]. Ўрта Осиё Ҳарбий округи махсус бўлими томонидан 1937 йил 29 сентябрда “миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси” сифатида қамоққа олинган.

Ҳ.Исомиддинов дастлабки тергов вақтида 2 март – 1937 йилнинг 4 октябрь ҳамда 3 декабрь кунлари сўроққа чақирилди. 1937 йил 4 декабрда бўлиб ўтган сўроқ жараёнида Ҳ.Исомиддинов 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”га 1927 йил Ўзбек батальони партия бюросининг ўша вақтдаги котиби Хўжаев (манбаларда унинг шахсияти тўғрисида бошқа маълумотларни учратмадик – Р.Э.) ҳамда шу батальон ҳарбий комиссари Юнус Наримонов томонидан жалб этилганлигини айтиб ўтган [5]. Шунингдек, у ўзидаги миллатчилик кайфияти 1924-1926 йилларда Бирлашган Ўрта Осиё

ҳарбий мактабида ўқиб юрган вақтида шаклланганлигини, унинг бундай руҳда тарбияланишига ҳарбий мактаб курсантларининг мактаб раҳбари – “ашаддий аксилинқилобчи” Ризо Ёқубов, Мирёқуб Мирбадалов (ҳарбий мактаб ёрдамчиси), И.Куглеев (мактаб ҳарбий комиссари), Ёвушев (мактаб ҳарбий комиссарининг ёрдамчиси)лар кўлида таълим олганида деб кўрсатади [6].

Исомиддиновнинг тергов баённомасида қайд этилишича, Ўзбек батальонидаги “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”га 1928 йилгача Ю.Наримонов, кейинроқ Ўзбек батальони партия бюросининг ўша вақтдаги котиби Хўжаев раҳбарлик қилганлиги келтириб ўтилган. Сўроқ баённомаларига ИИХК ходимлари томонидан Ҳ.Исомиддинов тилидан 1928 йил Ю.Наримонов ўзбек бригадаси штабига ўтказилгач, бригада кўмондони Р.Ёқубов (аввалроқ Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактаби раҳбари бўлган) билан биргаликда “миллатчилик фаолияти”ни олиб борганлиги ҳам қайд этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад Ҳ.Исомиддиновдан бир оз аввалроқ ўзбек ҳарбий кадрлари орасида нуфузи жуда ҳам баланд бўлган Ризо Ёқубов ва Юнус Наримоновларни обрўсизлантириш эди.

Ўзбек бригадасига 1931 йилда Миркомил Миршаропов кўмондон этиб тайинланади. Бригада кейинроқ ўзбек дивизиясига айлантирилади. ИИХК терговчилари бу жараёнда Ҳ.Исомиддинов номидан дивизиядаги “миллатчи аксилинқилобий ташкилот”га Миркомил Миршаропов раҳбарлик қилган деган кўрсатмани олишга муваффақ бўлишади. Бундан ташқари терговчилар Исомиддиновни сўроқ қилиш жараёнида ундан Ю.Наримонов, М.Миршаропов ҳамда ўзидан ташқари 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг 33 нафар ҳарбий мутахассисларини “миллатчи аксилинқилобий ташкилот” аъзоси сифатида кўрсатишга мажбур қилишади. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг қамоққа олинган бошқа ҳарбий кадрларидан фарқли равишда Ҳ.Исомиддинов уларнинг барчасини 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси тузилмаларига таснифлагани ҳолда санаб ўтади. Унга ИИХК ва дивизия махсус бўлими ходимларининг берган топшириқларига кўра, дивизиянинг куйидаги ҳарбий персоналлари “миллатчи аксилинқилобий ташкилот” аъзоси сифатида кўрсатилган:

Дивизия штаби бўйича – капитан Одинаев, капитан Шукуров, катта сиёсий раҳбар (политрук) Отаев, дивизиянинг собиқ прокурори Орипов, дивизия прокурори Жалилов, дивизия штаби 5-қисмининг собиқ раҳбари Камолов, сиёсий раҳбар Юлдашев, дивизия газетаси (“Қизил юлдуз”-Р.Э.) муҳаррири Рискулов, катта сиёсий раҳбарлар (политрук) Дадабоев ва Ж.Шокиров.

41-отлик полки бўйича – батальон комиссари Комилов, сиёсий раҳбарлар Камолов, Фаёзов, Ботиров, Зокиров, катта лейтенантлар Й.Шокиров ва Муфтазодиев

42-отлик полки бўйича – батальон комиссари Абдурахимов, партия бюроси котиби Эгамбердиев, катта сиёсий раҳбар Абдуллаев, полк кўмондони ёрдамчиси Толипов, капитан Шомирбоев, капитан С.Ёқубов, лейтенантлар Ҳотамов ва Алиев, катта лейтенант Турсунов.

Механизациялашган дивизия бўйича – капитан Азимов, катта лейтенант Болтабоев.

Артиллерия дивизияси бўйича – ҳарбий комиссар Б.Ёқубов, катта лейтенант Муҳаммадзиев.

Алоқа эскадрони бўйича – комиссар Ҳабибов, ўзбек батальони собиқ кўмондони Усмонов.

Бу кўрсатмалар Ҳ.Исомиддиновга нисбатан ИИХК терговчилари қўллаган жисмоний зўрлик ва сиёсий босимнинг самараси эди. Кўришиб турибдики, ИИХК ҳамда дивизия махсус бўлими ходимларини дивизиянинг энг олди бўлган офицерлар таркибига зарба беришга ҳаракат қилган ва бу мақсадларига эришган.

Ҳ.Исомиддиновнинг дастлабки тергов жараёни 1937 йил 25 декабрда тугатилди. 1938 йил 10 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъатининг сайёр йиғилиши ёпиқ мажлисида Ҳ.Исомиддиновнинг иши кўриб чиқилди.

Суд мажлисида дастлабки тергов жараёнида берган барча кўрсатмаларини ҳамда айбдор эканлигини тан олган. Суд уни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топиб отув жазосига ҳукм қилган. Ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилган [7].

**Эгамбердиев Дадажон** – 1903 йил Поп тумани Поп қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамоққа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-отлик полки партия бюроси (партбюро)нинг котиби сифатида фаолият юритган. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 23 октябрда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси” сифатида қамоққа олинган ҳамда партия сафидан ўчирилган.

Д.Эгамбердиевнинг “жиной иши”да 1938 йил 5 март ва шу йилнинг 13 май санасидаги сўроқ баёнлари сақланиб қолган. Бўлиб ўтган ҳар икки сўроқ вақтида у ўзига қўйилган барча айбларни инкор қилади ҳамда ҳеч қандай жиноий фаолият билан шуғулланмаганлигини, дивизиядаги “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” мавжудлиги тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтиб ўтади. Шундан сўнг Д.Эгамбердиевнинг айбини бўйнига қўйиш мақсадида 1938 йил 8 апрель санасида Ж.Шокиров ва Ю.Наримоновлар билан юзлаштирилади. Юзлаштириш вақтида Ю.Наримонов ва Ж.Шокировлар Д.Эгамбердиевни “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси” дея кўрсатиб ўтсалар-да, унинг ўзи бу айбни қатъиян инкор этиб, кўрсатиб ўтилган ташкилот ҳақида ҳеч нарса билмаслигини айтади [8]. Д.Эгамбердиев, шунингдек, 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг бошқа ҳарбий мутахассисларига нисбатан берилган кўрсатмалар даҳшатли қийноқлар остида терговчилар манфаатларига мослаб тузилган ҳамда маҳбуслар томонидан катта босим остида қўл қўйдириб олинган.

ИИХК (НКВД) терговчилари Д.Эгамбердиевни юқоридаги “айблар” билан “жиноятчи” санаб, ишни 1938 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган СССР Олий Судида сайёр йиғилиши ҳукмига тақдим этадилар. Суд мажлисининг 1938 йил 10 октябрдаги ёпиқ мажлиси баёнидаги қуйидаги жумлалар эътиборга молик: “Эгамбердиев ўзини айбдор ҳисобламайди, ўзига нисбатан қамоққа олинган бошқа маҳбуслар томонидан берилган кўрсатмаларни туҳмат сифатида инкор этади. Аксилнқилобий ташкилот аъзоси бўлмаган ва ҳеч қандай жиноий фаолият билан шуғулланмаган” [9].

Суд хайъати ўзи келтириб ўтган далилларга қарши ўлароқ Д.Эгамбердиевни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топиб олий жазога ҳукм қилган ва ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилган.

**Муфтазодиев Ахат** –1904 йил Юқори Чирчиқ тумани Қарши қишлоғида туғилган. Қамоққа олинишигача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси 41-отлик полки мактабининг взвод командири бўлган. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 13 мартда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамоққа олинди.

А.Муфтазодиев биринчи марта 1938 йил 12 апрелда сўроқ қилинди. Сўроқ вақтида у “Мен бирор кимса тарафидан аксилнқилобий ташкилотга жалб этилмаганман” [10],-дея кўрсатма беради. Қамоққа олинган бошқа ҳамкасблари қатори ИИХК ва дивизия махсус бўлими ходимлари томонидан А.Муфтазодиевга нисбатан ҳам кетма-кет калтаклаш, хўрлик ва қийноқлар қўлланилиб, ундан ўзлари учун зарур бўлган кўрсатмалар беришга мажбур қилинади. Шундан сўнг у Ж.Шокиров ҳамда Ҳ.Исомиддиновларнинг топшириғига кўра дивизия жангчиларининг сиёсий ва ҳарбий тайёргарлигини бузишга ҳаракат қилганлиги тўғрисида кўрсатма беришга мажбур бўлади. ИИХК ва дивизия махсус бўлими ходимлари тазйиқи ҳамда талаби билан у М.Шомирбоев, Н.Пўлатов, Ҳ.Шукуров, С.Отаев, Й.Дадабоев, Ж.Шокиров, Б.Комилов, М.Абдурахимов, С.Ёқубовларни “миллатчилик кайфиятидаги шахслар” сифатида тилга олади.

А.Муфтазодиев 1938 йил 22 май куни қамоққа олинган Б.Ёқубов билан юзма-юз учраштирилади. Учрашувда А.Муфтазодиев “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”га Б.Комилов тарафидан жалб этилганлигини, Б.Ёқубовга буни А.Муфтазодиевнинг ўзи айтганлиги тўғрисида айтиб ўтади. Худди шу куни у яна Н.Пўлатов билан ҳам юзлаштирилади. Юзлаштириш жараёнида А.Муфтазодиевнинг “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси эканлиги унга А.Муфтазодиев ҳамда Д.Эгамбердиевнинг сўзларидан маълум эканлигини кўрсатиб ўтади [11]. А.Муфтазодиев Н.Пўлатовнинг берган кўрсатмаси ёлғон эканлигини таъкидлаб, уни тасдиқламайди. Аммо А.Муфтазодиев ўзига нисбатан қўйилган барча ноҳақ айбларни инкор этганина қарамасдан, унинг иши судга



оширилди. 1938 йил 10 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъати суд мажлисида ҳам А.Муфтазодиев ўзининг айбдор эмаслигини, ўзига қўйилган барча айбларни, дастлабки тергов пайтидаги кўрсатмаларини ҳам инкор этишини, ҳеч қачон совет ҳокимиятига қарши ташкилотда иштирок этмаганлигини, совет ҳокимиятига қарши ташвиқот олиб бормаганлигини яна бир бор суд ҳайъатига таъкидлаб ўтади.

Суд мажлисида унга қамокқа олинган дивизия ҳарбийлари М.Миршаропов, Ю.Наримонов, Х.Шукуров ва бошқаларнинг кўрсатмалари ўқиб эшиттирилади. Қамокқа олинган ҳамкасблари қандай шароитда бундай ёлғон кўрсатмалар беришга мажбур бўлганликларини жуда яхши англаган А.Муфтазодиев барча кўрсатмаларни инкор этади.

Суд А.Муфтазодиевни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор санаб олий жазога ҳукм қилади. Баъзи манбаларда у 1938 йил 10 октябрда отилганлиги кўрсатилган бўлса-да [12], аммо унинг ҳужжатлар тўпламида жазонинг ижро этилган санаси кўрсатилмаган.

**Толипов Комилжон** – 1900 йил Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. Қамокқа олингунгача ВКП(б) аъзоси ва 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси 42-отлик полк қўмондонининг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими томонидан 1937 йил 22 октябрда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамокқа олинган.

Орадан салкам икки ой ўтгач 1938 йил 16-18 декабрь кунлари К.Толипов сўроққа чақирилади. Дастлабки сўроқ вақтида у “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”га 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси сиёсий бўлим инструктори лавозимида ишлаган вақтида дивизия сиёсий бўлимнинг собиқ раҳбари, кейинчалик “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамокқа олинган Ю.Наримонов томонидан 1936 йил февралда жалб этилганлиги ҳақида кўрсатма беради. Жалб этиш вақтида Ю.Наримонов унга М.Миршаропов дивизиядан кетиб, унинг ўрнига И.В.Селиванов тайинлангач дивизиядаги вазият оғирлашганини айтиб ўтади ҳамда дивизия қисмларида сиёсий тайёргарлик ишларини бузиш вазифасини топширади [13].

Шунингдек, К.Толипов ва “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”нинг бошқа аъзолари 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг собиқ қўмондони М.Миршароповни мақтаб, унинг ўрнига тайинланган И.В.Селиванов ҳамда европа миллатига мансуб бошқа қўмондонларни обрўсизлантиришда айбланишади. 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг ўзбек миллатига мансуб ҳарбийлари орасида М.Миршароповнинг обрўси чиндан ҳам баланд бўлиб, дивизиянинг барча ўзбек ҳарбий мутахассислари қўмондонни қаттиқ ҳурмат қилишар эди. Аммо ИИХК ва дивизия махсус бўлими терговчилари ўзбек ҳарбий кадрларининг М.Миршароповга бўлган ҳурматини нотўғри талқин этишади.

Сўроқ мобайнида ИИХК терговчилари тазйиқи остида К.Толипов томонидан Ю.Наримонов, Б.Ҳамрокулов, М.Шомирбоев, М.Рискулов, М.Алиев, С.Ёқубов, Ҳ.Исомиддинов, М.Абдурахимов, Д.Эгамбердиев, С.Отаев, Ж.Шокиров, Н.Пўлатов, Х.Шукуров, А.Умаралиев каби 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясидаги ҳамкасбларини “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзолари сифатида айтиб ўтади.

Бундан ташқари К.Толипов 1938 йил 16 май куни Н.Пўлатов билан юзлаштирилади. Юзлаштириш вақтида дивизия махсус бўлими терговчилари К.Толиповни Н.Пўлатов воситасида яна бир “жиноят” билан айблайдилар. Н.Пўлатовнинг кўрсатмасига кўра, К.Толипов Ю.Наримонов томонидан Англия ва Япония фойдасига жосуслик қилиш учун ёлланганлигини, буни К.Толиповнинг ўзи 1936 йилнинг июлида Н.Пўлатов ҳамда Д.Эгамбердиевга айтганлиги тўғрисида кўрстама беради [14].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, К.Толипов Ўрта Осиёда совет тартиботига бошланган қуроли қаршилик ҳаракатига қарши курашларда, жумладан, Туркменистонда совет ҳокимиятига қарши бошланган қуроли қаршилик ҳаракатини бостиришга қаратилган ҳарбий операцияларда фаол иштирок этади. Унинг қўмондонлиги остида бўлган дивизиянинг 4-эскадрони Черилиши кудуғи ёнида кўрбошилар гуруҳига қўққисдан ҳужум уюштириб, ўн

минглаб чорва моллари, юзларча асирлар, бир қанча қурол-яроғ, отларни қўлга киритган эди [15].

К.Толиповнинг “жиноий иши” бўйича дастлабки тергов 1938 йил 17 майда тугатилиб, иш СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъатига оширилади. 1938 йил 10 октябрда унинг иши СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъати сайёр йиғилишида кўриб чиқилади. Суд мажлисида у ўзига қўйилган барча “айб”ларни инкор этади. Дастлабки тергов вақтида берган кўрсатмаларини ҳам рад этиб ўзи ва дивизияда хизмат қилаётган 14 нафар ўзбек ҳарбий кадрларига нисбатан тухмат қилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, умуман совет ҳокимиятига қарши бўлган ҳеч қандай ташкилот аъзоси бўлмаганлигини, Ю. Наримонов уни бундай ташкилотга жалб этмаганлигини, ўзига қарши қамоққа олинган ҳамкасблари томонидан берилган барча кўрсатмалар ёлғон эканлигини таъкидлайди [16].

Суд мажлисида К.Толипов ўзининг айбсиз эканлигини исботлашга ҳар қанча уринмасин, суд уни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича “айбдор” деб топиб отув жазосига ҳукм қилади. К.Толиповга нисбатан чиқарилган бу ҳукм 1938 йил 10 октябрда ижро этилди.

**Умаралиев Акбар Ҳайдарович** – 1902 йил Бағдод тумани (Фарғона вилояти) Қашқармакай қишлоғида туғилган. Миллати – ўзбек. ВКП(б) аъзоси бўлиб, 1937 йил сентябрда партия сафидан ўчирилган [17]. Қамоққа олингунгача 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси меҳдивизионининг сиёсий етакчи сифатида фаолият юритган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) махсус бўлими томонидан 1937 йил 23 октябрда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси” сифатида қамоққа олинган.

Дивизия махсус бўлими ходимлари томонидан 1937 йил 24 декабрь ҳамда 1938 йил 17 май кунлари сўроқ қилинди. Биринчи сўроқни 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси махсус бўлими раҳбари А.И.Мишковский [18], иккинчи сўроқни эса унинг ёрдамчиси А.С.Васильев [19] олиб боради.

У 1937 йил 24 декабрда бўлиб ўтган сўроқ вақтида ўзидаги миллатчилик қарашлари 1924 йилда Ўрта Осиё ҳарбий мактабида ўқиётган вақтида пайдо бўлганлигини, ҳарбий мактабда А.Умаралиев “Қўқон миллатчилик гуруҳи”га кирганлигини айтиб ўтади. Ўз кўрсатмаси давомида у бу гуруҳ Б.Ҳамроқулов (гуруҳ раҳбари), М.Шомирбоев, С.Ёқубов ва бошқалардан ташкил топганлиги тўғрисида ҳам кўрсатма беради. Бу гуруҳ аъзолари гўёки палов ташкилаштириш баҳонасида тез-тез йиғилишиб туришган, йиғилишда европа миллатига мансуб ҳарбий кадрларга қарши қаратилган, уларни камситувчи суҳбатлар ташкил этишган [20].

Сўроқ баёнида 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси партия комиссиясининг котиби, кейинчалик дивизиянинг кўплаб ҳарбийлари қатори “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамоққа олинган Б.Ҳамроқулов 1936 йил апрелида А.Умаралиевга дивизияда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” борлиги тўғрисида ҳеч нарса айтмасдан, унга 19-ўзбек тоғ-отлик дивизияси меҳдивизионидаги европа миллатига мансуб ҳарбий мутахассисларни алмаштириш, уларнинг ўрнига миллатчилик руҳидаги кадрларни тайинлаш, дивизион ҳарбийлари ўртасида олиб бориладиган партия ишини заифлаштириш каби вазифаларни бажаришга киришишини таклиф этгани маълумот сифатида кўрсатиб ўтилади. Айни шундан бошлаб А.Умаралиев ўзини “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси ҳисоблай бошлаганини ҳамда Ю.Наримонов, М.Миршаропов, Б.Ҳамроқулов, Й.Дадабоев, Ж.Шокиров, Б.Йўлдошев, С.Отаев, К.Толипов, Д.Эгамбердиев, М.Абдурахимов, Б.Комилов, Б.Ёқубов, Р.Ёқубов, Муҳаммадзияев, Минбаев, Бурнашев каби 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг жами 16 нафар ҳарбий кадрларини ҳам “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида кўрсатиб ўтади [21].

1938 йил 17 май куни А.Умаралиев Н.Пўлатов билан юзма-юз учраштирилади. Дивизия махсус бўлим ходимлари томонидан олдиндан тайёрланган сценарийга мувофиқ, Н.Пўлатов А.Умаралиевни Англия фойдасига жосуслик қилганлигини фош этади ҳамда буни А.Умаралиевнинг шахсан ўзи 1935 йил мартада унга айтиб берганлигини таъкидлайди. Кўришиб турибдики, бу айблар барчаси тухмат бўлиб, А.Умаралиев ҳамкасби К.Толипов

(К.Толипов Англия ва Япония фойдасига жосуслик қилганликда айбланган–Р.Э.) билан бир хил айбда айбланади. А.Умаралиев ўзига қўйилган бу айбни рад этади. Аммо махсус бўлим ходимларининг ғайриинсоний тергов усуллари, узлуксиз хўрлашлар оқибатида А.Умаралиевнинг ҳарбийларга хос қатъий иродаси, сабри синдирилди.

1938 йил 17 май куни бўлиб ўтган сўроқ вақтида ўзининг 1937 йил 24 декабрда берган кўрсатмаларини, “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти”даги иштирокини тасдиқлайди, аммо ҳеч қачон жосуслик қилмаганлигини ва ҳеч ким бундай ишга жалб этмаганлигини таъкидлайди [22].

А.Умаралиевнинг “жиной иши” бўйича дастлабки тергов 1938 йил 3 октябрда тугатилиб, иш судга оширилди. 1938 йил 10 октябрда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъати сайёр йиғилишида у ўзини айбдор санамаслигини, дастлабки сўроқ вақтида берган кўрсатмаларини ҳамда ўзи каби қамоққа олинган ҳамкасблари берган кўрсатмаларини ҳам рад этишини суд ҳайъатига маълум қилади. Шунингдек, А.Умаралиев судда ҳеч қачон жиноий фаолият билан шуғулланмаганлигини, аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси бўлмаганлигини, бундай ташкилотнинг мавжудлиги тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини, тергов жараёнида ўзи ва 16 нафар ҳамкасбларига тухмат қилганлигини, уларнинг жиноий фаолиятлари ҳақида бирор нарса билмаслигини таъкидлаб ўтади.

Аммо унинг айтганларини суд ҳайъати инобатга олмасдан А.Умаралиевни Ўз ССР ЖКнинг 57-2, 64- ва 67-моддалари бўйича “айбдор” деб топиб отув жазосига ҳукм қилади ва ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилади [23].

**Ҳамроқулов Бурхон** – 1902 йил Кўқон шаҳрида туғилган. Миллати – ўзбек. 7 ёшида отасидан айрилгач, 10 ёшидан бошлаб онасига кўмак бериш мақсадида Гурбусовга қарашли сув чиқарувчи насослар ўрнатилган ишхона (водокачка)да ишлай бошлайди. 1917 йилдан кейин эса пахта заводида ишлади. Заводда ишлаб юрган вақтида “Босмачиларга қарши кураш учун ихтиёрий отряд”га қўшилди [24]. Шундан бошлаб унинг ҳарбий фаолияти бошланди. Отряд таркибида Б.Ҳамроқулов Орзимат қўрбошига қарши жангларда иштирок этди. Жангларда кўрсатган жасорати учун у В.И.Ленин номидаги Ўрта Осиё ҳарбий мактабига ўқишга юборилди. Ҳарбий мактабни муваффақиятли тамомлаб взвод кўмондони сифатида Зарафшон водийсидаги Митан полвон, Рустам қассоб каби қўрбошиларга қарши кураш жараёнига жалб этилди [25].

Митан полвон ва Рустам қассоб каби қўрбоши гуруҳлари тугатилгач Б.Ҳамроқулов Ўзбек батальонига рота сиёсий раҳбари қилиб юборилди. Кейинчалик эса батальон партия бюросига, 1930 йилда эса дивизия партия комиссиясига котиб бўлиб сайланди. 1931 йилда Иброҳимбек қўрбошига қарши кураш жараёнида у батальон комиссари лавозимида фаолият юритди [54].

Қуролли қаршилиқ ҳаракатини баратараф этишдаги жанговар хизматлари, жангларда кўрсатган жасорати учун Б.Ҳамроқулов 1932 йил 6 ноябрда “Меҳнат Қизил Байроғи” ордени билан мукофотланди [26].

Ҳамкасбларига бўлган самимияти туфайли ҳарбий дўстлари ўртасида Б.Ҳамроқулов “Ота” лақаби билан аталган [27]. Бу унинг дивизия ҳарбийлари орасида ҳурмати М.Миршаропов, Ю.Наримонов каби ҳарбийлардан асло кам бўлмаганлигини кўрсатади.

Б.Ҳамроқулов қамоққа олингунга қадар ВКП(б) аъзоси ва 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси партия комиссиясининг бош котиби лавозимларида ишлади. Ҳарбий унвонига кўра у батальон комиссари бўлиб, 19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида М.Миршаропов, Ю.Наримоновлар қатори энг асосий ҳарбий персоналлардан бири ҳисобланган. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) Ўрта Осиё Ҳарбий округи (САВО) Давлат Хавфсизлиги Бош бошқармаси (ГУГБ) томонидан 1937 йил 12 сентябрда “аксилнқилобий миллатчилик ташкилоти” аъзоси сифатида қамоққа олинди.

Тергов ҳужжатларидан маълум бўлишича, Б.Ҳамроқулов биринчи марта қамоққа олинган кунидан икки ой ўтиб 1937 йилнинг 23 декабрида сўроқ қилинади. Сўроқ мобайнида Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги (НКВД) ва дивизия махсус бўлими ундан ўзлари учун зарур бўлган кўрсатмаларни олишга эриша олмайдилар. Б.Ҳамроқулов сўроқ вақтида ҳеч қачон

миллатчилик ташкилот фаолиятида қатнашмаганлигини, 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясида бундай ташкилотнинг мавжудлиги ҳақида ҳеч нарса билмаслигини айтиб ўтади. Дастлабки сўроқ вақтидаги сўроқ баёни ва жавоблар остига Б.Ҳамроқулов томонидан имзо қўйилган бўлса, қолган сўроқ протоколларига умуман имзо қўйилмаган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, махсус бўлим ва ИИХК ходимлари томонидан Б.Ҳамроқулов ҳам ноҳақ қамокқа олинган ўзи ва бошқа ҳамкасбларига нисбатан туҳмат қилдиришларига йўл қўймаган. Шундай мазмундаги сўроқ баёнларига имзо қўйишни кескин рад этади. Албатта, бунинг учун у қанчадан қанча қийноқларга, инсон иродасини синдиришга қаратилган жисмоний азобларга, хўрликларга чидаган.

СССР Олий суди Ҳарбий Ҳайъатининг 1938 йил 10 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Б.Ҳамроқуловнинг “жиноий иши” кўриб чиқилди. Суд мажлисида Б.Ҳамроқулов ўзининг айбдор санамаслигини, тергов кўрсатмаларини ўз қўли билан ёзмаганлигини таъкидлайди. Шундан сўнг унинг қилмаган айбларини бўйнига қўйиб, “айбдор” эканлигини исботлаш мақсадида қамокқа олинган дивизиянинг собиқ ҳарбий офицерлари М.Миршаропов, Ж.Шокиров, С.Ёқубов, М.Рисқулов, Х.Шуқуровларнинг Б.Ҳамроқулов ҳамда унинг дивизиядаги “аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти”даги иштироки тўғрисида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилади. Ҳамкасбларининг ўзи ҳақида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилгач, буларга нисбатан Б.Ҳамроқулов “Буларнинг барчаси ёлғон. Юқорида номлари кайд қилинган шахсларнинг нима сабабдан бундай кўрсатмалар берганликларини билмайман. Мен советларга қарши кайфиятдаги ҳеч қандай ташкилот аъзоси бўлмаганман ва аксилинқилобий ишлар олиб бормаганман” [28],-дея ўз фикрини баён қилади. Инсон тақдири ишониб топширилган адолат ҳимоячиси ҳисобланган суд мажлиси бор-йўғи 15 дақиқа давом этади холос. Мана шу қисқа дақиқалар ичида Б.Ҳамроқуловга нисбатан мустабид тузумнинг даҳшатли ҳукми ўқилди.

У Ўз ССР ЖКнинг 57-1, 64- ва 67-моддалари бўйича “айбдор” деб топилиб отув жазосига ҳукм қилинди. Б.Ҳамроқуловга нисбатан чиқарилган адолатсиз ҳукм шу куннинг ўзида ижро этилди [29].

#### 4. Хулосалар:

Бугунги кунда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда миллий ҳарбий кадрларга нисбатан қатағон сиёсати тадқиқот талаб мавзу бўлиб, бу жараёнда қурбон бўлган ўзбек ҳарбий кадрлар корпусининг аниқ миқдорий кўрсаткичи ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Совет ҳокимиятининг 1937-1938 йилларда ҳарбий соҳа мутахассисларга нисбатан амалга оширган оммавий қатағон сиёсати СССРнинг бир қатор ҳарбий жараёнлардаги мағлубияти билан бирга Иккинчи жаҳон урушидаги ҳам мислсиз талофатлар кўришига сабаб бўлди.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.).
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.).
4. РГАСПИ, 17-фонд, 24-рўйхат, 415-иш. 223-варақ (. RGASPI, fund 17, list 24, case 415. Page 223).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).



6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи жорий архиви .
7. РГАСПИ, 17-фонд, 24-рўйхат, 418-иш. 113-варақ (RGASPI, fund 17, list 24, case 418. Page 113).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (The current archive of the State Museum of Repression Victims under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
12. РГАСПИ, 17-фонд, 171-рўйхат, 418-иш. 115-варақ., Список лиц, подлежащих суду Военной Коллегии Верховного суда Союза ССР //http://stalin.memo.ru/names (RGASPI, fund 17, list 171, case 418. Sheet 115. Spisok lits, podlejashchikh sudu Voennoy Kollegii Verkhovnogo suda Soyuz SSR //http://stalin.memo.ru/names)
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
15. Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида). –Самарқанд, Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936. – Б.84. (Fifteen years of the jubilee of the Mountain Cavalry Division (1921-1936) (in Uzbek based on Latin script). - Samarkand, political branch of the Mountain Cavalry Division. 1936. - P.84).
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
17. РГАСПИ, 17-фонд, 171-рўйхат, 418-иш. 118-варақ (RGASPI, fund 17, list 171, case 418. Page 118)
18. Мишковский Александр Иванович – 1902 йил Белоруссиянинг Гомель шаҳрида туғилган. Миллати – рус. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси махсус бўлими раҳбари бўлиб ишлаган. У раҳбарлигида даврида 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизиясида хизмат қилган кўплаб ҳарбийларга нисбатан ноқонуний жиноий ишлар кўзғотилган (Mishkovskiy Alexander Ivanovich - born in 1902 in Gomel, Belarus. Nationality - Russian. He worked as the head of the special department of the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division. Under his leadership, illegal criminal cases were initiated against many soldiers who served in the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division).
19. Васильев Афанасий Семёнович – 1890 йил Заозеро волости Делихово қишлоғида туғилган. 19-Ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси махсус бўлимида А.И.Мишковскийнинг ёрдамчиси сифатида ишлаган. Самарқанд шаҳрида вафот этган (Vasiliev Afanasy Semyonovich - was born in 1890 in the village of Delikhovo, Zaozero Volost. He worked as an assistant to A. I. Mishkovsky in the special department of the 19th Uzbek Mountain Cavalry Division. He died in Samarkand).
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви. (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).
24. Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида). –Самарқанд, Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936. – Б.137. (Fifteen years of the jubilee of the Mountain Cavalry Division (1921-1936) (in Uzbek based on Latin script). - Samarkand, political branch of the Mountain Cavalry Division. 1936. -P.137.)
25. Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида). –Самарқанд, Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936.– Б.140. (Fifteen years of the jubilee of the Mountain Cavalry Division (1921-1936) (in Uzbek based on Latin script). - Samarkand, political branch of the Mountain Cavalry Division. 1936.- P.140.)
26. Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида). –Самарқанд, Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936. – Б.140. (Fifteen years of the jubilee of the Mountain Cavalry Division (1921-1936) (in Uzbek based on Latin script). - Samarkand, political branch of the Mountain Cavalry Division. 1936. - P.140.)
27. Куценко А.Н. Ордена Советских республик. – Донецк, Лебедь. 1996. – С.298. (Kutsenko A.N. Order of the Soviet Republic. – Donetsk, Lebed. 1996. - P.298.)
28. Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида). –Самарқанд, Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси. 1936. – Б.140. (Fifteen years of the jubilee of the Mountain Cavalry Division (1921-1936) (in Uzbek based on Latin script). - Samarkand, political branch of the Mountain Cavalry Division. 1936. - P.140.)
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи жорий архиви (Current archive of the State Museum of Repression Victims Memorial under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan).



**Tadqiqot.uz**

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 18 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 18

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 18

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000